

IQTISODIY TADQIQOTLAR
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

4
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT
UNIVERSITETI**

“IQTISODIYOT” FAKULTETI

**IQTISODIY TADQIQOTLAR
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
“ECONOMIC RESEARCH)**

ILMIY JURNALI

4

2021

Toshkent

**4
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

MUASSIS

Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti

Tahrir kengashi raisi:

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,
akademik

Tahrir kengashi:

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor
Xudoyqulov Sadridin Karimovich – i.f.d., professor
Begalov Baxodir Abdusalovich– i.f.d., professor
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent
Asqarova Mavluda Turopovna– i.f.n., dosent
Xajiyev Baxtiyor Dushaboyevich– i.f.n., dosent
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent
Kamalova Malika Nizamovna– i.f.n., dosent
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

Tahrir hay'ati:

Begzod O'rinov– (AQSh)
Uktam Burxanov – (Chexiya)
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)
Mark Rozenbaum (AQSh)
Volfgang Lukas (Germaniya)
N.V.Morozov (Rossiya)
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)
Sherqul Shodmonov (Toshkent)
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)
Axmedjon Mamatov (Toshkent)
Ju Jengron (Xitoy)
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

**4
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

Bosh muharrir:

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

Adabiy muharrir

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

Bosh muharrir o'rinbosari

Amirov L.F. - PhD

Musahhih:

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydalanilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>

E-mail: economicresearchjournal@gmail.com

МУНДАРИЖА

IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT		
Salimov B.T., Salimov Sh.B.	Kichik biznes faoliyatini imitasion innovasiyalar yordamida rivojlantirish.....	6
Abdullayeva M.K.	O'zbekistonda oziq-ovqat sanoati tarmoqlarida ishlab chiqarish xarajatlarini pasaytirishning asosiy jihatlari.....	11
BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHV		
Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash sanoati-ning mamlakat iqtisodiyotidagi o'rni va rivojlanish tendensiyalari.....	17
Mirzarakhimova A.	Development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan.....	25
Неделкина Н.И.	Открытость экономики нового Узбекистана: реалии настоящего и приоритеты для будущего развития.....	28
Turgunov D.T.	Макроекономические показатели в Центральной Азии за 10 лет включая в период пандемии с зонами риска.....	36
INSON RESURLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIIY SIYOSAT VA BANDLIK		
Goyipnazarov S.B., Fayzieva M.Kh.	The assesment of the strategic roles of human resources professionals in the banking sector in Uzbekistan.....	46
Mamaraximov B.E.	Aholining demografik o'zgarishlari iqtisodiy taraqqiyotga ta'siri.....	54
Хашимова Г.А.	Положительная динамика роста рабочих мест за 2020 год.....	58
Хакимова Л.Ш.	Формированию государственной политики в сфере занятости.....	61
To'xtayeva X.F.	Xodimlar mehnat motivasiyasini kuchaytirishni takomillashtirish yo'nalishlari.....	69
TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH		
Насырходжаева Д.С., Алимова Ш.А.	Проблемы развития конкурентоспособности промышленных отраслей в период пандемии.....	74
Yadgarov A.A.	Agrosug'urta-qishloq xo'jaligida iqlim o'zgarishini yumshatuvchi moliyaviy vosita sifatida.....	79
TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH YO'LLARI, MUAMMOLAR, TAHLIL VA NATIJA		
Исмаилова С.Р.	Сопоставление основы и окончания русского и узбекского языков	82

АГРОСУҒУРТА-ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИ ЮМШАТУВЧИ МОЛИЯВИЙ ВОСИТА СИФАТИДА

Ядгаров Акрам Акбарович -
ТДИУ “Тармоқлар иқтисодиёти”
кафедраси доценти и.ф.н.

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришининг маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини мамлакат иқтисодиётига таъсири, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари мисолида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш имкониятлари ёритилган.

Таянч сўзлар: агросуғурта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш, қўшилган қиймат занжири, қайта ишлаш саноати, илғор технологиялар, диверсификация.

Бугунги кунга келиб жаҳон миқёсида глобал иқлим ўзгаришлари мамлакатимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмайди деб тўла-тўқис кафолат бериш қийин. Айнан, иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва юмшатиш, иқлим ўзгариши талофатларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Иқлимнинг глобал миқёсида ўзгариши жаҳон қишлоқ хўжалиги, яъни озиқ-овқат хавфсизлигини келтириб чиқариш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида юзага келадиган турли стихияли ҳодисалар авж олиб бормоқда.

Глобал иқлим ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалиги кутилган натижани бермаслик ҳолати пайдо бўлади. Иқлим ўзгаришини тўғридан-тўғри аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлай олмаслик ёки озиқ-овқат етишмовчилиги ҳамда тўйиб овқат емаслик ҳолатларини юзага келтиради. Иқлим ўзгариши аҳолининг демографик ҳолатига, ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва етказиб бериш соҳаларини ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида республика иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига кириб бориши ва қишлоқ хўжалигида яратилаётган маҳсулотларимиз алоҳида эътиборга лойиқдир.

Иқлим ўзгаришлари айнан барча мамлакатлар қишлоқ хўжалигига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистонда ҳам рўй бераётган иқлим ўзгаришлари бевосита қишлоқ хўжалиги фаолиятига ўз таъсирини ўтказмоқда, қишлоқ хўжалигида кутилган натижани бўлмаслиги барча турдаги ишлаб чиқариш корхоналарига ўз таъсирини ўтказди. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришнинг бир меъёрга бормаслиги аҳолининг молиявий ва моддий ҳолатига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришларининг таъсирини олдини олишда агросуғуртанинг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий ҳолатини ривожлантиришда муҳим моливий восита сифатида хизмат қилади.

Иқлим ўзгариши шароитида экологик хавф-хатарларнинг пайдо бўлиши бевосита барча турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Бевосита иқлим ўзгариши оқибатида экологик хавф-хатарлар қишлоқ хўжалиги фаолиятига таъсир этмай қолмайди.

Агросуғурталаш тизимини ривожланиши қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришини юмшатувчи молиявий дастак сифатида айнан қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлайди.

Агросуғурталаш тизимини ривожлантиришнинг молиявий аҳамияти бу - қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолиятига турли экологик хавфлар таъсири юзага келганда субъектнинг иқлим ўзгариши натижасида кўрган моддий ва молиявий зарарларини қоплаб беришини таъминловчи механизмдир.

Ўзбекистон Республикаси хавфли деҳқончилик зонасида жойлашган, баъзи ҳолларда сув танқислиги ва бошқа стихияли ҳодисаларнинг рўй бериш оқибатида катта талофатларнинг содир бўлиши аграр соҳа вакиллари фаолиятига жиддий таъсир этмай қўймайди. Бу эса мамлакат аграр секторини табиий офатлар таъсирига узвий боғлиқ бўлиб, унинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан агросуғурта тизими мазкур ҳолатда турли муаммоларнинг самарали ечими сифатида майдонга чиқади.

Агросуғурта табиий хавф-хатарларни бартараф этишнинг самарали муҳим воситаларидан бири ҳисобланиб, аграр сектор фаолиятининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашда агросуғурта муҳим роль ўйнайди.

Республикада агросуғуртанинг самарали тизими сифатида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида табиий ҳодисаларнинг содир бўлиши оқибатида уларнинг иқтисодий даромадлари кескин пасайиши, молиявий зарарларнинг юзага келишини олдини олиш ҳамда уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун самарали восита ҳисобланади.

“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг асосий мижозлари бўлиб фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда қишлоқ аҳолиси ҳисобланади. “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан мижозларни турли хил табиий офат ва бахтсиз ҳодисалар оқибатида юзага келадиган ҳолатлардан суғурта қилишда муайян ишлар олиб борилмоқда.

“Ўзагросуғурта” АЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарни ҳар қандай шароитда ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим омиллардан биридир. Шу боис, суғурталанувчилар билан тузилган суғурта шартномаларига мувофиқ

суғурта мукофотларини ўз вақтида тўлаб берилиши иккала томоннинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилишга имкон яратилади.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ содир бўлиши мумкин бўлган табиий хавф-хатарлардан суғурталаш масалалари қаторига, “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ўз вақтида суғурта шартномаларини тузиш, иқлим ўзгаришларини ҳисобга олиб суғурталанувчилар манфаатини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш, суғурта хизматларидан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги табиий ва техноген хавф-хатарлар таъсиридаги йўқотишларнинг олдини олиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришларининг таъсирини олдини олишда агросуғуртани такомиллаштиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритаётган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда иш берувчиларни фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасини такомиллаштириш;

- иқлим ўзгариши билан боғлиқ содир бўлиши мумкин бўлган табиий хавф-хатарларни идентификациялаш ва табиий хавфларни юмшатувчи суғурта турларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда иш берувчиларни фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш соҳаси ривожига тарғибот ва тушунтириш ишларини тўғри йўлга қўйиш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритаётган корхоналарнинг барча мол-мулкларини суғурталашда доимий суғурталанувчилар учун бонусли таърифларни жорий этиш.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий хавф-хатарлардан қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий тадқиқотга янгича ёндошув юқорида келтирилган таклифлардан ташқари ҳар бир суғурталанувчиларнинг стратегик фаолиятини таъминлаш ва уларнинг молиявий жиҳатдан барқарор ривожланиш истиқболларини таъминлашга тавсияларни ҳам бера олиши учун муҳим замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. www.fao.org/3/ca8388en/CA8388EN.pdf.
2. Н.И.Саудахмедова. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш тенденциялари ва муаммолари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил. – 7 б.
3. <https://president.uz/uz/lists/view/2697>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси концепцияси. <https://uzbekistan2035.uz/uz/uzbekistan-2035>. -113 б.

IQTISODIY TADQIQOTLAR

ELEKTRON ILMIY JURNALI

Tahririyat manzili:

100003, Toshkent sh., Chilonzor tumani, I. Karimov ko'chasi 49-uy

Telefonlar *****